

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 762-ҳадис

762 - وَعَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْكُلُ
بِشَلَاثٍ أَصَابَعَ، فَإِذَا فَرَغَ لَعِقَّهَا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2032/132].

762. Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг учта бармоқлари билан еганларини кўрдим. Еб бўлгач бармоқларини ялардилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Бармоқларни овқат тугагандан кейин яланади. Овқат тановул қилинаётган аснода эмас. Чунки тупук қолдиқлари овқатга аралашиб кетиши мумкин.

Яна овқатни учта бармоқда ейишнинг маҳбублиги ҳам айтилмоқда. Улар Имом Табароний ривоятларида келганидек бош, кўрсатгич ва ўрта бармоқлардир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аксар пайтларда мана шундоқ қилганлар. Чунки уч бармоқдан озида овқат тановул қилиш мутукаббирлик аломатидир. Уч бармоқдан кўпида овқат тановул қилиш эса, очофатлик белгисидир.

Манба: hadis.islom.uz



